

ПЕЙЗАЖ ВА БАДИИЙ МАҲОРАТ

Нарзиева Маъмура Норпулатовна

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети доценти,

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

email:narziyevamamura164@gmail.com

<https://orcid.org/0000-0003-0542-8826>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада бадиий асар матнида ўзига хос ўрин эгаллаган бадиий тафсиллардан бири пейзаж ҳақида фикр юритилади. Л.И.Тимофеев, М.Н.Эпштейн, Т.Н.Гурев, Н.Б.Мурадалиев, К.В.Пигарев сингари гарб адабиётишунос олимларининг пейзаж ҳақидаги қарашлари атрофлича таҳлилга тортилади.

Калит сўзлар: *табиат манзаралари, тасвир, сюжет, руҳий ҳолат, бадиий восита, эстетик қувват.*

ПЕЙЗАЖ И ХУДОЖЕСТВЕННОЕ МАСТЕРСТВО

Нарзиева Маъмура Норпулатовна

Доцент Самарқандского государственного университета имени Шарофа

Рашидова

Доктор философии в филологии (PhD)

email:narziyevamamura164@gmail.com

<https://orcid.org/0000-0003-0542-8826>

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается одна из художественных деталей, занимающая особое место в тексте художественного произведения, пейзаж. Подробно анализируются взгляды на пейзаж западных литературоведов, таких как Л.И.Тимофеев, М.Н.Эпштейн, Т.Н.Гурьев, Н.Б.Мурадалиев, К.В.Пигарев.

Ключевые слова: *природные пейзажи, образ, сюжет, душевное состояние, художественные средства, эстетическая сила.*

LANDSCAPE AND ARTISTIC CRAFT

Narziyeva Ma'mura Norpulatovna

Associate Professor of Samarkand State University named after Sharof Rashidov

Doctor of Philosophy in Philology (PhD)

email:narziyevamamura164@gmail.com

<https://orcid.org/0000-0003-0542-8826>

ABSTRACT

This article examines one of the artistic details that occupies a special place in the text of a work of art, landscape. The views on the landscape of Western literary scholars such as L.I. Timofeev, M.N. Epstein, T.N. Guryev, N.B. Muradaliev, K.V. Pigarev are analyzed in detail.

Key words: *natural landscapes, image, plot, state of mind, artistic means, aesthetic power.*

Инсоният яралгандан буён аждодларимиз томонидан ёзилган минглаб китоблар она табиатга, унинг гўзал таърифу тавсифига бағишланган. Ёзувчи, айниқса, табиат манзаралари тасвирига алоҳида эътибор қаратади ва кўпгина асарларини ўзига хос пейзаж билан бошлайди. Аслида ҳар бир асарда пейзажнинг ўрни муҳим бўлиб, усиз асарнинг таъсирчанлиги ва воқеалар ривожининг ишонарлилигини тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ёзувчилар асар яратаётганда ўз ғоявий ниятини китобхонга етказиш учун фақат қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари эмас, балки уларни ўраб турган табиат манзаралари тасвирларидан ҳам кенг фойдаланади.

Табиат тасвири сюжетнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, асарнинг ғоявий, эстетик қувватини ошириш, сюжет ривожини тезлатиш ёки секинлатиш, қаҳрамоннинг ички дунёсини очиш каби вазифаларни бажаради. Асарда табиат манзарасининг тасвирланиши билан ёзувчи ўзининг юртига, Ватанига, она табиатга бўлган муносабатини ҳам ифодалайди. Бадий асарда пейзаждан икки хил усулда фойдаланилади:

1) қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини табиат тасвири билан параллель равишда тасвирлаш;

2) қарама-қарши (контраст) усулда тасвирлаш.

Пейзаж тасвири орқали муаллиф ўзининг асосий ғоявий ниятини илгари суриши ҳам мумкин. Аммо пейзажлар қаҳрамонларнинг ҳиссий тажрибаларини очишнинг асосий воситаларидан биридир. Бундан ташқари, улар содир бўлаётган нарсаларга муаллифнинг муносабатини етказишга ҳам хизмат

қилади. Қолаверса, пейзаж асарнинг ғоявий мазмуни ва характерларни очишда кўшимча бадиий восита ҳамдир. Ёзувчи пейзаж орқали ё бевосита ўз фикрларини баён қилади ёки персонажларнинг ички кечинмаларини кўрсатади. Ҳар иккала ҳолда ҳам пейзаж маълум ғояни ифодалайди. Шу ўринда пейзаж атамасига мурожаат этишга тўғри келади. Пейзаж поэтик манзара яратишнинг муҳим воситаси. Луғатларда берилишича, пейзаж француз тилидаги «paysage» сўзидан олинган бўлиб, «мамлакат», «юрт», «жой», «ер» маъноларини англатади. Бадиий асар таҳлиliga доир адабиётларда пейзаж санъатининг асар тузилишида муҳим ўрин тутиши қайд этилади. У универсал шаклий-ҳикоячилик категорияси бўлиб, матннинг ғоявий-мавзуйи, макон ва замонда ташкиллашувига хизмат қилади ҳамда услубий ва маънавий кўп вазифалигига кўра ажралиб туради. Адабиётшунослик илмида анъанага кўра пейзаж дейилганда табиат кўринишлари тушунилади. «Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати»да берилишича, «Бадиий асарда акс эттирилган жой, табиат тасвири бўлиб, у ёзувчининг методи ва услуби билан боғлиқ ҳолда турлича вазифаларни ўтайди» [14. 228].

Л.И.Тимофеевнинг кўрсатишича, пейзаж – «бадиий матнда ёзувчи методи ва услубига боғлиқ ҳолда турли вазифаларни бажарувчи табиат кўринишлари тасвиридир» [11. 216]. Б.Галанов эса пейзажни «асардаги ҳаракат вақти ва жойини белгиловчи ва маълум кайфият ҳосил қилувчи табиат тасвири» [3.185.] деб ҳисоблайди. М.Н.Эпштейн пейзажни «ўзаро боғлиқ бўлган предметли деталлар тизимида табиатнинг яхлит тасвирланиши» сифатида тавсифлайди. Т.Н.Гурев эса пейзажни табиат манзараси деб талқин қилади.

Рассомлик санъатига эътибор қаратилса, манзара, яъни пейзаж жанр сифатида эътироф этилади. Бироқ адабиётшуносликда пейзаж жанр сифатида ифода этилмайди. Демак, юқоридаги фикрлардан шу нарса аён бўладики, пейзаж – табиатнинг бадиий асардаги тасвиридир.

Н.Б.Мурадалиев бадиий асардаги пейзажнинг уч элементи, босқичи мавжудлигини қайд қилади. Булар:

- 1) пейзаж деталли;
- 2) пейзажли тасвир;
- 3) пейзажли асар.

Муаллифнинг фикрича, «ўзида эмоционал мазмун, эстетик баҳо ва муаллиф позициясини қамраб олган образли деталь» [6. 139.] пейзажли деталь дейилади. Адабиётшунос К.В.Пигаревнинг таъкидлашича, пейзаж, аввало, «ватанга муҳаббат туйғусига тўлиб тошган бўлиши керак. Шундагина у миллий пейзаж ҳисобланади» [8.7]

Шеърятда муаллифнинг ўз асарида етакчилик қилаётган образга ва шу поэтик образ орқали тасвирланаётган ҳолатга бўлган муносабатининг қай тарзда ифодаланиши муҳим ўрин тутди. Ижодкор поэтик руҳиятни очишга мос сўз ва ташбеҳларни танлар экан, табиат тасвири жараёнида ўз ҳолатини ҳам уларнинг мазмунига сингдириб юборади. Демак, шоир табиат тасвирини оддий ҳолатда бермайди. Унга руҳий кечинма юклайди. Шу орқали фалсафий фикрларга йўл очади. Худди шундай ҳолатни Рауф Парфи ижодида ҳам кузатиш мумкин. “Рауф Парфи шеърларидаги табиатнинг ҳар бир ҳодисасида инсон қиёфаси, кечинмалари, нафаси борлигини ҳис қиламиз. Масалан, қуёшнинг ботиш чоғидаги ҳолати сочларини турмаклаётган гўзал қиз қиёфасида (“*Кундуз ўйга чўқар, тун яқин...*”), дарё сувининг мавжлари араб ёзувидаги ғазал, сув бўйидаги майсалар ҳолати китоб ўқиётган инсон шаклида (“*дарё мавжларига ёзилмиш ғазал...*”), қорлар оғушидаги боғлар ҳолати илоҳий либос кийган инсонлар қиёфасида (“*Пага-пага оппоқ қор ёзар...*”) кузатилади. Шоир табиат ҳодисаларига ҳам инсондек қарайди. Ҳатто ёмғир томчилари уриляётган дарча тасвирида дардманд инсон изтироблари борлигини ҳис қиламиз:

*Ташқарида шовуллар шамол,
Ёмғир қаттиқ ёзар бу кеча.
Ташқарида шовуллар шамол,
Юзларини ювмоқда дарча” [10. 39].*

Рауф Парфи шеъриятидаги табиат манзараси, албатта, бошқа ижодкорлар яратган табиат манзарасидан фарқланади. Рауф Парфи кўпроқ табиат тасвирини инсоннинг маълум бир ҳаёти, умри ёки ўзига қиёслаган ҳолда беришга интилади. А.Орипов эса биринчи ўринга лирик қаҳрамоннинг ўй-хаёлларини қўяди. Табиат тасвири орқали фалсафий мушоҳадага йўл очади. Иккала шоир ҳам фалсафий мушоҳада юритса-да, бироқ уларнинг тасвир меъёрида фарқли ҳолатлар кўзга яққол ташланади.

Асқад Мухтор шеъриятига эътибор қаратилса, унда ҳам табиат тасвири фалсафий мушоҳадага йўл очганлигига гувоҳ бўлиш мумкин:

*Мен қирларга чиқдим. Ифор анқиган,
Тургай нота ёзар камалак нурига.
Мовий шуъла ичра осмон балқиган,
Жийда келинчакдай ҳарир тўрида,
Тасмадек дарёлар куй бўлиб туюлди,
Вазнга тушгудай талтинди сабо...*

“Асқад Мухтор инсон умрини табиат хоссалари билан уйғунликда кўраркан, оний умр лаҳзаларидан бетакрор санъат асарлари яратади. Шахснинг маълум вақт ичида кечган ҳис-кечинмалари, ўй ва мушоҳадалари ва маънавий интеллектуал ҳаётини поэтик образларга кўчиради; шу тариқа шафқатсиз вақт, шиддатли дамлар суръатини бир зум тин олдиргандек бўлади” [9.36].

Асқад Мухторнинг табиат борасидаги қарашлари Р.Парфи услубига яқинроқ. А.Мухтор ҳам Р.Парфи сингари табиат манзарасини инсон ҳаёти билан боғлаб юборади. Шу асосда ўз фикрлари билан ўртоқлашади.

Истеъдодли шоир А.Орипов табиатдан унумли фойдаланса-да, унинг маҳорати лирик қаҳрамон кечинмаси орқали фалсафий мушоҳадага йўл очганлиги билан белгиланади. Абдулла Ориповнинг “Онажон”, “Баҳор” шеърларидаги истисносиз барча тафсиллар психологик бўлиб, шунчаки шароитни кўрсатишга хизмат қиладиган бирорта ҳам предметли деталь йўқ. Бу шеърлардаги барча деталлар тўлиғича шоир руҳий ҳолатидаги турли сезим ва кечинмаларни теранроқ ифодалашга хизмат қилади. Мабодо, табиат тасвирига бағишланган соф лирик битикларда предметли деталь тасвирлари учраган тақдирда ҳам улар ё бевосита, ё худ билвосита лирик қаҳрамон руҳияти ва кайфиятини ифодалашга қаратилган бўлади. Миртемирнинг “Бетобликда”, Р.Парфининг “Ёмғир ёғар”, А.Ориповнинг “Ёмғир ҳам тинмади...” сингари шеърларидаги табиат манзарасига оид тафсиллар ўз ҳолича мақсад эмас, балки руҳий ҳолатни таъсирли йўсинда бериш воситасидир. Кўринишдан фақат пейзаж ифодасига бағишланган бу каби шеърлар аслида тўлиғича кайфият ва руҳий ҳолатни кўрсатишга қаратилган. Шу боис ҳам лирикадаги пейзаж тасвирини табиат манзараси дейишдан кўра, шоир ёки лирик қаҳрамон кайфиятларининг воситали манзараси дейиш тўғрироқ бўлади. Лирик шеърларда ахён-ахёнда учраб қоладиган портрет ёки атроф-оламдаги нарсаларга оид тафсиллар тўғрисида ҳам шу гапни айтиш мумкин [4. 176]. Шоирнинг “Чўпон” шеърида ҳам табиатнинг бетакрор манзаралари шоир ижоди объектига айланган манбалар эканлиги ойдинлашади: *Савлат тўкиб, қўриқчисимон, // Боботогинг турар ёнингда.// Сени севиб, қаршилаган тонг // Нур тўшайди истиқболингга* [7. 17].

“Капалак ва мен” шеърида эса ўзини капалакка менгзайди: *Аллақайда кезиб тинимсиз // Йигдик роса завқ атирларин // Сўнгра баҳам кўрдик иккимиз, // Менга тегди шу сатрларим* [7. 17].

Ўзбек шеърятининг тараққиётини (XX аср иккинчи ярмидан мустақилликнинг илк давригача бўлган давр) шоир Абдулла Орипов ижодидан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Ваҳоланки, унинг инсон руҳиятининг

воқеликдаги аксини ифодалаш воситаси бўлган шеърлари ижодкорнинг ҳаётни кузатишдан ҳосил бўлган хулосаларга, фалсафий мушоҳадаларга бойлиги билан ажралиб туради. Бошқача айтганда, Абдулла Ориповнинг ижоди бир томондан шоирнинг йиллар оша ижодий юксала боришини акс эттирса, иккинчидан, шоир яшаган давр ижодий муҳити, давр шеърятининг асл қиёфасини ўзида мужассам қилган. Адабиётда табиат манзаралари акс этган тасвирлар орқали лирик қаҳрамон руҳиятини очиб бериш анъанага айланган. Абдулла Ориповнинг ёшлик чоғларида ёзилган шеърларида табиат манзарасини тасвирлашда ранг тасвир усулига кўпроқ мурожаат қилиш кузатилади. Бунда табиатда мавжуд предметлар кўриниши, уларнинг ҳаракати поэтик тасвир воситасига айланар экан, шоирнинг борлиқни идрок қилиши, ундан таъсирланиши натижасида юзага келган фалсафий хулосалари воқеланади. Шоирнинг “Булут тошди” шеърида табиат манзараси китобхон кўз ўнгида жонли тарзда намоён бўлади: Булут тошди, // Водий осмонини // Қоплаб олди хира кўланка. // Ел овора // Намхуш хазонни // Учиролмай боғдан йўлакка. // Новдалари бирдан қотгандай // Кўринади сукутда толзор. // Гўё ниманидир кутгандай // Булутлар ҳам ювош, беозор... [7. 58].

Шеърда табиатдаги биргина ҳолат – ёмғир ёғишидан олдин табиатнинг тараддуди поэтик тасвирланган. Шеърни ўқиш жараёнида китобхон кўз олдида дастлаб ҳавони кўрғошинранг булутлар галаси қоплаб олганлиги гавдаланади. Муаллиф бу ҳолатни тасвирлашда узундан узоқ сўзларни қўллашдан қочади, бу вазифани биргина *тошди* сўзини қўллаш билан уйдалаган. Кейинги мисраларда осмонни қоплаган булутлар хира кўланка тусини олади, билинар-билинемас ел намхуш хазонларни учира олмай овора бўлади, гўё нимагадир қулоқ тутгандай толларнинг новдалари тек қотган. Осмондаги булутлар ва ердаги толзор ва ел эпкини ўзаро уйғунлик, беозорлик ҳосил қилганча табиатда бирдан содир бўладиган ўзгаришни кутмоқда. Табиатнинг бундай бадий маҳорат билан тасвирланишини Абдулла Орипов индивидуал услубига хос дейиш мумкин. Назаримизда, шеър куз фаслининг поэтик қиёфасини гўзал тарзда акс эттирган. Шоир бу тасвирни бериш билан бирор сиёсий мақсадни кўзламаган. Аммо шоир ижодига бағишланган айрим ишларда бунинг аксига ҳам дуч келишимиз мумкин. Адабиётшунос Д.Бегимкулов “Агар Абдулла Ориповнинг табиат билан боғлиқ барча шеърлари (“Баҳор”, “Табиат” ва ҳоказо) структурасидан, таҳлилидан, руҳидан келиб чиқилдиган бўлса, шеър фақат табиат манзараси тасвирига бағишланмаганлиги аён бўлади. Уни ўлкани ёв (яъни мустамлакачилар) эгаллаб олган, ел (яъни халқ) қоракўланкани, намхуш хазонни (мустамлакачилик бўйинтуруғини) ўз елкасидан силтаб ташлай олмай,

муте ҳолатида, толзор (юртнинг аҳли донишлари, етакчилари) ҳам сукутда, новдалари қотиб қолгандек, кўланкани супуриб ташлашга журъати етмагандек, бироқ бу абадий эмас, қачондир булут тошиб, шаррос ёмғир қуйиши, кўланканинг даф бўлиши, ёқимсиз увода хазоннинг итқитилиши, боғнинг тозариши, яъни эгаменлик интизорлик билан кутилмоқда, деб тахмин қилиш мумкин” [2. 278-279], деган фикрларни билдиради. Адабиётшунос М.Райҳонова эса бу фикрга қўшилмайди. Унингча: “Шеърдаги образлар бу хил талқиннинг зўрма-зўракилигини кўрсатади. Масалан, елнинг халққа нисбат берилиши тўғри эмас, чунки елнинг асосий хусусиятларидан бири беқарорлик, бемаконлик. Абдулла Орипов ўхшатишлари ҳамиша ўта ёрқин ассоциативлиги билан ажралиб туради. Шоир нарса-ходисалар ўртасидаги ташқи ўхшашликни ҳам, моҳиятни ҳам доимо диққат марказида тутади. Агар ижодкор услубига хос мана шу жиҳатдан келиб чиқсак, у халқни елга нисбат бериши мумкин эмас”. Дарҳақиқат, М.Райҳонова тўғри таъкидлаганидек, елни халқ сифатида эътироф этиш мумкин эмас.

“Пейзажнинг бадиий асардаги ўрни ва аҳамияти воқеа кечаётган жой ва вақт ҳақида тасаввур бериши билан белгиланади. Эпик асарларда пейзажга лирик ва драматик асарларга нисбатан анча кенг ўрин берилади. Драматик асарларда пейзаж роман, қисса, ҳикоядаги каби батафсил тасвирланмайди. Уларда денгиздаги бўрон, шамол, кеча-кундуз шартли ифодаланади. Лирик асарларда пейзаж деталь сифатида берилади ва лирик қаҳрамоннинг кайфияти, ҳолати у турган макон ва пайт ҳақида тасаввур уйғотади” [12. 91]. Эпик асарларнинг гўзал намунаси бўлган Чингиз Айтматовнинг “Соҳил ёқалаб чопаётган олапар” қиссасида ҳам кун ботиш палласи тасвирланган: “Олам олам бўлиб яралгандандан буён, тун кундан туғилган, кун тундан туғилган замонлардан буён аҳвол шу – икки қудратли куч ўртасидаги олишув давом этади: бундан буён ҳам куну тун, туну кун, токи ер билан сув бор экан, улар абадул-абад шундай курашаверади. Куну тун, туну кун...” [1. 354]

Табиатнинг бу гўзал манзарасининг тасвирини биз Абдулла Ориповнинг “Талош палласи” шеърида кўрамиз. Унда айни қуёшнинг уфққа бош қўйиб ботиши контраст усули ёрдамида маҳорат билан чизиб берилган: *Қуёш ботиб борар, // Уфқ қирмиз ранг, // Қуршаб олаётир ер юзини тун. // Сўнгги дақиқада қилаётир жанг // Тун ва кун, тун ва кун, тун ва кун. // Талош пайти дерлар ушбу лаҳзани, // Олишар ошкора нур билан зулмат. // Борлиқ жим кузатар қонли сахнани, // Ҳар ёнда ваҳмкор, сирли сукунат. // Шамол ҳам қайгадир беркинган бу он, // Ғужгон қушларнинг ҳам тинган нафаси. // Сафарга чиқилмас, ўқилмас Қуръон, // Талош палласи бу, талош палласи. // Тонгда*

қайтурман деб, умидга тўлиб, // Фалак пучмоғига чекинар қуёш. // Энди маржон-маржон юлдузлар бўлиб, // Само яноғида ялтирайди ёш [7. 46]. Шеърда инсонни ўраб турган борлиқ, наботот ва хайвонот ўртасидаги узвий боғлиқлик, инсон умри ва йил фасллари алмашинувидаги ўзаро ўхшашлик, оддий заррадан тортиб бутун коинотгача юз берувчи ҳар бир воқеа-ҳодиса инсонга боғлиқ эканлиги тўғрисидаги фалсафий қарашлар ўз аксини топган. Контраст ҳолатдаги табиат тасвири жонланар экан, ундаги суратланган воқелик шом тушиш вақтини ёдга солади. Вақт диалектикаси асос бўлган бу шеърда тирик табиатнинг тирилтириш жараёни аксланади. Вақт саҳнада тўхтаб қолган, бироқ тун ва кун ўртасидаги зиддият тобора авж нукталарга кўтарилмоқда. Шеър конфликт асосига қурилганлиги боис шоир тун ва кун орасидаги зиддиятни қон тўкиш даражасидаги жангга қиёслайди. Табиатнинг гўзал тасвири кун ботиш палласини эса талош палласи дея эътироф этади. Метафизик жараёни шеърда сингдирар экан, шоир наздида табиат, борлиқ бу кураш саҳнасини жим кузатишга маҳкум, ҳар ёнда ваҳмкор сирли сукунатнинг тантанавор ғалабасидан ғужғон қушлар ҳам нафас олишга қодир эмас, шамол ҳам бу онда қаергадир беркиниб олган. Бу каби сирли ҳилқат атмосфераси инсон руҳиятига таъсир этмасдан қолмайди. Айниқса, “Фалак пучмоғига чекинар Қуёш. // Энди маржон-маржон юлдузлар бўлиб, // Само яноғида ялтирайди ёш” каби психологик тасвир шоир маҳоратини белгилаб қолмай, унга ўзига хос жозоба ҳам бағишлайди. Бу табиатнинг ажиб манзараси ҳар кун такрорланса-да, бироқ унга эътибор у қадар теран эмас. Шоир эса нигоҳни теранлаштиришга, тийраклаштиришга сазовор бўлган. Умуман, “Абдулла Орипов ҳақиқий истеъдодларга хос иш тутуди. У қоғоз тўлдириш, мисраларни кўпайтириш, китобнинг босма тобоғини кўпайтириб, жилдини қалин қилиш учун асар ёзмайди. Унинг учун асосий масала – маъно. Мўлжалдаги маънони ифодалаш учун образ излайди, сўз ахтаради. Зарур образларни топиб, мўлжалга тегадиган сўзларни териб, жой-жойига қўйгандан кейингина шеърни битди ҳисоблайди” [13. 275]. Мазкур шеър ҳам сараланган сўзлар асосида яратилган бўлиб, мўлжалдаги маънони беҳато бера олади.

Шуниси характерлики, ҳар қандай ҳолатда ҳам ифодалаётган фикрлар замирида ижодкорнинг бадиий матн талабларига тўлиқ амал қилиши, воқелик фактларига, табиатнинг турли кўринишларига нисбатан ижобий ёки салбий муносабати бўртиб туради. “Бадиий матнда бошқа услуб матнларида бўлганидек қатъий мантиқ, соддалик, тушунарлилик, нормативлик каби қонуниятларга тўла-тўқис амал қилинавермайди. Унда бадиий тасвир воситаларидан унумли фойдаланилади. Таъсирчанлик биринчи планга кўтарилади. Оҳангдор, жозибадор

сўзлар кўп қўлланилади. Тасвирланаётган воқеликда уйғун бир мусиқа, ички бир гармония сезилиб туради. Инсонни руҳан тўлқинлантириш, йиғлатиш, кулдириш, хаёлот оламига етаклаш, ўйга чўмдириш, эстетик тафаккурини шакллантириш, воқеа-ҳодисаларга теран, бошқача назар билан боқишга ўргатиш каби кўплаб имкониятларни ўзида мужассам қилган. Бадиий матн, маълумки, бадиий услуб талаблари, қолиплари асосида шакллантирилади, шунинг учун унда поэтик, романтик, тантанавор ифода шаклларида кенг фойдаланилади” [5. 22]. Оддий тасвирларда йирик фалсафий фикрларни ифодалаш, табиат манзараларини инсон руҳиятига боғлиқ ҳолда тасвирлаш, ўқувчи эстетик тафаккурини шакллантиришга хизмат қилувчи поэтик, тантанавор ифода шаклларида фойдаланиш Абдулла Орипов услубининг ўзига хос жиҳатидир. Бу унинг 1972 йида ёзилган “Соғинч” шеърисида ҳам кузатилади. Шеърни ўқиган ўқувчи тасаввурини учта деталь: булут, осмон ва йўл эгаллаб, борган сари ўз кўламини кенгайтира боради: *Парчагина булут, // Чексиз осмон, // Адир ортидаги ёлғизоёқ йўл. // Барча ташвишларни унутиб, шодон, // Қайтгим келаётир қошингга буткул. // Қисмат майин ичдим – аччиқ ва тахир, // Туйдим эҳтироснинг самовий кучин. // Дунёда одамзод яшамас, ахир, // Фақат иродасин синамоқ учун. // Парчагина булут, // Чексиз осмон, // Адир ортидаги ёлғизоёқ йўл // Барча ташвишларни унутиб, шодон, // Қайта олсам эди қошингга буткул* [7. 217].

Абдулла Ориповнинг кўпчилик шеърларида пейзаж портрет ҳамоҳанглигида суратлантирилади, яъни шоир пейзаждаги аниқ портрет ёки портретдаги пейзажни фалсафий ўйлар оғушида ўз ўқувчисига тақдим этади. Шу боис манзара янада жонланади, янада конкретлаштирилади. Ўқувчининг кўз ўнгисида унинг шаклу шамоили, макон-манзараси сифатида акси ўз ифодасини топади. Юқоридаги шеърда ҳам худди шундай ҳолат кузатилади. Шеърни ўқиш баробарида кўнгилни қандайдир маҳзун туйғулар эгаллайди, ўйга толдиради. Шеърнинг дастлабки мисраларида қўлланилган “*парчагина булут, чексиз осмон*” образлари шоирнинг ижодга эндигина кадам қўйган даврларида ёзилган асарларида ҳам учрайди. Улардаги сатрлар ортида табиат гўзаллигидан, булутлар ҳаракати ва осмон чексизлигидан завқланган ўспирин бўй кўрсатади. Аммо бу шеърда-чи? Бунда шоир ижодида етакчи деталлар бўлиб келган парчагина булут ва чексиз осмон ёнига янги бир унсур – адир ортидаги ёлғизоёқ йўл қўшилди. Йўл эса, табиийки, ўтмишга – шу вақтга қадар босиб ўтилган ҳаёт йўлига ишора қилмоқда. Инсон руҳиятида исён қилаётган руҳ фожиаси рамзлар воситасида юзага чиқади. Айтиш мумкинки, шеърдаги деталлар – инсон фожиасини акс эттиришга хизмат қилувчи рамзлардир.

Шоирнинг нега ёшлигини кўмсаб қолганлиги сабаби эса “*Барча ташвишларни унутиб, шодон, Қайтгим келаётир қошингга буткул*” деган жумлаларда акс этмоқда. Изоҳ эса оддий: шаҳардаги ғийбатлардан, фитналардан сиқилган шоир барча ташвишларни унутиб, беғубор болалигига, ўзи туғилиб ўсган манзилига қайтишни истайди. Шаҳар ҳаётида эришгани ўзи айтганидек, “*Қисмат майин ичдим – аччиқ ва тахир, Туйдим эҳтироснинг самовий кучин.*” Дунёда инсоннинг яшашдан мақсади тўғрисида ўз фалсафий хулосаларига эга: *Дунёда одамзод яшамас, ахир, Фақат иродасин синамоқ учун.* Ана шундай ҳолатда кўнгил куши озодликка, танҳоликка интилади. Аммо шоир ўзи интилган ўша илоҳий масканга элтувчи “*адир ортидаги ёлғизоёқ йўл*”га чиқа оладими? Бу фикрлар фақат шоирнинг кўнгилдан кечганлиги, қафасдан ташқарига талпинган рухнинг исёни эканлиги, ушалмас армон эканлиги бўртиб туради: “*Барча ташвишларни унутиб, шодон, Қайта олсам эди қошингга буткул*”. “Рамзий ва аниқ маънолар бирикиб, ўтган онлар соғинчи, ортга қайтиб бўлмаслик якка олам ва бутун одамзод фожиаси ҳақида ҳиссий фалсафий таассурот уйғотади. “*Парчагина булут, чексиз осмон, адир ортидаги ёлғизоёқ йўл.*” Бу ҳам манзара, ҳам рамз. Бир неча сўз ёрдамида ҳар бир одамга таниш манзара якқол гавдаланади. Демак, манзаралиги тайин. Шеър ўқиб бўлингандан кейин (“сичков ўқиш” усули) эса рамзлилик ва рамзнинг аниқ маъно доираси маълум бўлади. Дастлаб “булут” ва “осмон” сўзларининг ёндош туришига ва уларнинг эпитетларига эътибор берайлик. Булут парчагина, осмон чексиз. Ортга қайтишга интиқ лирик қаҳрамон (“мен”) манзарадаги “булут”га, лирик “мен”га қарши турган куч дунё (“*Дунёда одамзод яшамас, ахир...*”) осмонга беихтиёр менгзалади. Шунда “парчагина” сўзи одамнинг вақт қаршисида иложсизлигини, “чексиз” дунёнинг бепарво поёнсизлигини ифодалашга сафарбар бўлади.) “Парчагина”даги “-гина” кичрайтирув кўшимчасининг ролини айтмасдан бўлмайди. (Парчагина булут вақт олдида чорасиз одам.) “Адир” ўтиб келинган вақт масофаси, “ёлғизоёқ йўл” умрнинг тайин якка-якка кечишини (зеро, ҳеч ким кўшилишиб умр кечира олмайди, ҳар кимнинг умри ўзиники) рамзий ифодалайди”.

Демак, адабиётшунослик илмида пейзажга берилган таърифларни умумлаштирсак, унинг кўп маънода қўлланиши маълум бўлади. Юқоридаги фикрлардан аён бўладикки, ижодкорларнинг табиат манзараларига бағишланган шеърлари улар руҳиятининг кўзгуси дейиш мумкин. Табиат тасвири акс этган шеърларда табиатнинг мафтункор манзаралари, ундан ижодкор руҳиятида содир бўлган ҳайрат, қувонч, жўшқинлик акс этган бўлса, вақт ўтиши билан бу шиддат, жўшқинлик сокинлик, вазминлик билан алмашади. Энди шеърларда

фалсафий теранлик, табиат ҳолати ва руҳий кечинма муштаракликда ўз ифодасини топади. Шу боисдан ҳам, ижодкорлар томонидан яратилган табиат манзаралари уларнинг юксак поэтик маҳоратидан дарак беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES):

1. Айтматов Ч. Соҳил ёқалаб чопаётган олапар. – Тошкент: Navro‘z нашриёти, 2015. – Б. 354.
2. Бегимкулов Д. Руҳият иқлимлари инкишофи // Орипов А. Танланган асарлар. 1-жилд. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. – Б. 278-279.
3. Галанов Б.Е. Живопись словом. Портрет. Пейзаж. Вещь. – М.,1974. – С. 185.
4. Йўлдош Қ., Йўлдош М. Бадиий таҳлил асослари. – Тошкент: Камалак, 2016. – Б.176.
5. Йўлдошев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик таҳлили. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 22.
6. Мурадалиева, Н.Б. Романтический пейзаж в литературе. – Баку., 1991.
7. Орипов А. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 432 б.
8. Пигарев, К.В. Русская литература и изобразительное искусство. Очерки о русском национальном пейзаже середины XIX в. – М., 1972. – С. 7.
9. Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърляти. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 36.
10. Сабирдинов А. Маънавият ва маърифат чашмалари. – Тошкент: Академнашр, 2016. – Б. 39.
11. Тимофеев Л.И., Тураев С.В. Словарь литературоведческих терминов. – М.: Просвещение, 1974. – С. 216.
12. Ulug‘ov A. Adabiyotshunoslik nazariyasi. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2018. – B. 91.
13. Қўшжонов М. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984. – Б. 275.
14. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 228.